VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

2021 йилнинг январь-март ойларида ташқи савдо айланмаси 1076,4 млн. АҚШ долларини ва ўзгариш суръати 105,3 %ни, жумладан 439,3 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 123,8 %ни, 637,1 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 95,5 %ни ташкил этди.

2021 йилнинг январь-март ойларида МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси *(млн. АҚШ доллари)*

	январь-март		*2020 йил январь-мартга нисбатан % ҳисобида*
	2020 й.	*2021 й.*	
Ташқи савдо айланмаси	**1021,9**	**1076,4**	**105,3**
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	460,8	513,5	111,4
бошқа давлатлар	561,1	562,9	100,3
Экспорт	**354,9**	**439,3**	**123,8**
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	110,2	140,8	127,7
бошқа давлатлар	244,7	298,5	122,0
Импорт	**667,0**	**637,1**	**95,5**
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	350,6	372,7	106,3
бошқа давлатлар	316,4	264,4	83,6

Вилоят ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши, *%да*

2020 йил январь-март



	Савдо айланмаси	Экспорт	Импорт
МДҲ давлатлари	45.1	31.1	52.6
Бошқа давлатлар	54.9	68.9	47.4

2021 йил январь-март



	Савдо айланмаси	Экспорт	Импорт
МДҲ давлатлари	47.7	32.1	41.5
Бошқа давлатлар	52.3	67.9	58.5

2021 йилнинг январь-март ойларида
вилоят экспорт-импорти таркиби

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида		*2020йил январь-мартга нисбатан % ҳисобида*
	2020 йил январь-март	*2021 йил январь-март*	
Экспорт таркиби	**100,0**	**100,0**	**123,8**
пахта толаси	2,7	0,1	2,8
озиқ-овқат маҳсулотлари	9,6	11,6	149,9
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	3,2	3,7	145,6
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	-	-	-
қора ва рангли металлар	58,3	59,4	126,1
машина ва ускуналар	1,9	2,2	146,3
хизматлар	0,4	0,6	194,2
бошқалар	23,9	22,4	115,5
Импорт таркиби	**100,0**	**100,0**	**95,5**
озиқ-овқат маҳсулотлари	13,0	18,3	134,5
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	6,8	9,3	130,5
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	3,6	6,1	159,8
қора ва рангли металлар	13,3	13,2	95,3
машина ва ускуналар	35,2	26,5	72,0
хизматлар	1,2	1,1	91,6
бошқалар	26,9	25,5	90,3

Экспорт таркибида товарлар 99,4 % улушига эга бўлиб, булар асосан қора ва рангли металлар (59,4 %), бошқа турдаги товарлар (22,4 %), озиқ-овқат маҳсулотлари (11,6 %), пахта толаси (0,1 %), кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар (3,7 %), машина ва ускуналар (2,2 %), шунингдек, хизматлар (0,6 %) гуруҳлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Товар ва хизматлар экспорти таркиби (*млн. АҚШ доллари*)



Импорт таркибида энг катта улуш машина ва асбоб ускуналар (26,5%), қора ва рангли металлар (13,2 %), озиқ-овқат маҳсулотлари (18,3 %) ҳамда бошқа маҳсулотлар (25,5 %) гуруҳлари ҳисобига тўғри келди.

Товар ва хизматлар импорти таркиби

(*млн. АҚШ доллари*)



2021 йилнинг январь-март ойларида вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси

	Вилоят товар айланмасида улуши, % ҳисобида	*2020 йил январь-март нисбатан % ҳисобида*
Қозоғистон	21,4	37,3
Туркия	21,0	161,4
Россия	19,7	-
Хитой	11,8	18,0
Афғонистон	2,6	19,1
Корея Республикаси	2,5	2,9
Бразилия	2,4	0,4
Украина	2,3	26,8
Қирғиз Республикаси	1,5	115,8
Тожикистон	1,3	13,2
Германия	1,2	1,9
Италия	1,1	1,9
Сингапур	0,8	3,7
Озарбайжон	0,8	3,0
Қатар	0,8	-
Нидерландия	0,8	4,6
Ирландия	0,7	5,2
Литва	0,7	4,9
Польша	0,6	3,5
Ҳиндистон	0,5	0,9

Экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг асосий қисми Қозоғистон, Туркия, Россия, Хитой ва Афғонистон давлатлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса умумий экспорт ҳажмининг 76,5 %ини ташкил қилади. Қозоғистон, Туркия, Россия, Хитой ва Афғонистон давлатларига экспорт қилинаётган товарлар таркибига назар ташласак, асосан энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳларидан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.

2021 йил январь-март ойларида МДҲ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби %да

Экспорт



Импорт



Вилоятда ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДҲ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида 2021 йил январь-март ойларида ташқи савдо айланмасида МДҲ давлатларининг улуши 47,7 %ни ташкил этди ҳамда ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,4 %га ошди.

Бошқа хорижий давлатларнинг вилоят ташқи савдо айланмасидаги улуши 2021 йилнинг январь-март ойларида 52,3 %ни ташкил қилди (2020 йилнинг ушбу даврида эса ташқи савдо айланмасидаги улуши 54,9 %га тенг бўлган).

Тошкент вилоятининг кичик бизнес корхоналарининг ташқи савдо айланмаси
(млн. АҚШ доллари)



Сўнгги йилларда Ҳукуматимиз томонидан саноат тузилмасини диверсификация қилиниши, экспортни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада оширилиши натижасида вилоят ташқи савдо айланмасида кичик бизнес корхоналарининг улуши ошиб бормоқда.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти

2021 йилнинг январь-март ойларида жами 50,8 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари 28,8 млн. АҚШ долларига экспорт қилинди (ўсиш суръати – 36,6 %га ошган). Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибига қаралса, 2021 йилнинг январь-март ойларида 41,2 минг тоннадан кўпроқ сабзавотлар 20,8 млн. АҚШ долларига ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қийматда - 37,5 %га ўсган.

Шунингдек, 6,6 минг тонна мева ва резаворлар 4,7 млн. АҚШ долларга экспорт қилинган бўлиб, экспорт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 45,3 %га ўсган.

2021-йил январь-март,
млн. АҚШ доллари

Мева ва резаворлар
6,6 минг тонна
4,7 млн. АҚШ доллари

Узум
1,2 минг тонна
1,2 млн. АҚШ доллари

Ерён-ғоқлар
1,7 минг тонна
2,1 млн. АҚШ доллари

Сабзавот-лар
41,2 минг тонна
20,8 млн. АҚШ доллари

Шуни айтиб ўтиш жоизки, вилоятнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш натижасида мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва мевалар экспорт қилинмоқда. Жумладан, 2021 йилнинг январь-март ойларида мева-резаворлар ҳамда сабзавотлар экспорт ҳажми 25,5 млн.АҚШ долларига тенг бўлиб, умумий экспортдаги улуши 5,8 %ни ташкил этди.